



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 213 (12.524)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Анъанага айланган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси бу йил еттинчи бор ўтказилмоқда. Ярмаркада кўзда тутилган мақсад – рақобатдош, экспортдош ва импорт ўринини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни янада рағбатлантириш, экспорт қилиш учун келишув ва битимлар имзолашга кўмаклашиш, ҳўжалик субъектларига ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, ички тармоқ ва тармоқлараро, шунингдек, кичик бизнес ҳамда йирик корхоналар ўртасида саноат кооперациясини кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан иборатдир.

Бу йилги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида автомобилсозлик, машинасозлик, электротехника, курилиш, металлургия, кимё, нефтькимё, фармацевтика, озиқ-овқат ва ёнгил саноат ҳамда бошқа кўплаб ишлаб чиқарувчи саноат тармоқларидан 1300 дан ортиқ маҳаллий ишлаб чиқарувчилар қатнашиши режалаштирилган.

Кооперация биржа корхона ва ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш механизмида бири саналади, — дейди Тошкент шаҳар иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Саидилла Насретдинов. — Мазкур тадбирда Тошкент шаҳар ҳудудий саноат корхоналаридан 393 таси иштирок этмоқда. 393 та саноат корхоналаридан 80 га яқини маҳаллийлаштириш дастури иштирокчиси. Ўтган йилги ярмаркаларга нисбатан бу йилги саноат салоҳияти жуда юқори. Ишлаб чиқарувчи корхоналар иштироки 30-40 фоизга

Кеча пойтахтимиздаги «Ўзэксмарказ» миллий кўргазма мажмуасида VII Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ўзинини бошлади.

кўпайди. Иштирокчиларнинг 80-90 фоизини кичик бизнес субъектлари, қолганларини эса йирик саноат корхоналари ташкил этади. Корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган курилиш, текстиль, озиқ-овқат, машинасозлик, металлургия, кимё ва бошқа маҳсулотлар ярмаркада намойиш этилмоқда.

Шаҳар тендида 3 та тақдимот намойиш этиш режалаштирилган. Биринчиси бу Тошкент шаҳрида сотувга қўйилган ва ижарага бериш мумкин бўлган кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқариш майдонлари рўйхат тақдими. Шаҳримизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичлари, эришилган натижалари бўйича тақдимот намойиш этилади. Учинчи тақдимот эса Тошкент шаҳридаги барча ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятига бағишланган роликлар намойишидир.

«Ўзбекэнерго» ДАК Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида иштирок этиш, халқаро ва соҳалараро кооперацияни янада ривожлантириш, маҳаллийлаштирилаётган маҳсулот турларини кенгайтириш ва кўпайтириш, салоҳиятли шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишни мақсад қилиб олган, — дейди «Ўзбекэнерго» ДАК Энергетикани ривожлантириш ва истиқболи

бошқармаси бошлиғи Равшан Ортиқов. — Мазкур ярмаркада геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари комплекси таркибиде иштирок этмоқда. Компаниянинг қуйдаги — «Электрқулоқ қурилиш», «Ўзбеккумир», «Ўзбекэнергогаз» — очик акциядорлик жамиятлари ва бошқа корхоналари ярмаркада қатнашмоқда. Халқаро саноат ярмаркаси доирасида салоҳиятли шериклар билан музокаралар ўтказиш, энергетика ускуналари, материаллар ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш ҳамда сотиб олиш бўйича шартномалар тузиш кўзда тутилмоқда.

— Бу йил пойтахтимизда бўлиб ўтаётган анъанавий саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида илк бора иштирок этяпмиз, — дейди «BOBUR LINE INDUSTRY» маъсуляти чекланган жамияти раҳбари Шухрат Комбаров. — Корхонамиз 2012 йилда ташкил топган бўлиб, маҳсулоти кийим тикиш билан шуғулланамиз. Маҳсулотларимиз сифати билан ажралиб туриши билан бирга уларга бериладиган 1-2 йиллик кафолати ҳам мавжуд. Ярмаркада иштирок этишдан мақсадимиз корхоналар билан ҳамкорликни йўлга қўйишдир.

(Давоми 3-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2013 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 18 январда бўлиб ўтган мажлисида белгилаб берилган 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш жорий йилнинг тўққиз ойида макроиктисодий мувозанатни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлашни таъминлашда муҳим омил бўлди.

I. Барқарор юқори ўсиш суръатлари, макроиктисодий барқарорлиқни сақлаш ва мамлакатимиз иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш

2013 йилнинг январь-сентябрь ойларида ялпи ички маҳсулот 8,1 фоизга ўсди. Бунга, аввало, мамлакатимиз иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш бўйича саноат ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш ва таркибини диверсификациялаш, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини модернизация қилиш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш ҳамда яхлит йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини яратишга қаратилган ўрта муддатли комплекс дастурларни амалга ошириш ҳисобидан эришилди.

Иқтисодиётдаги ижобий ўсиш суръатлари макроиктисодий мувозанат чоралари билан қўллаб-қувватланди. Бу инфляция даражасининг пастлиги, давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицити ва ташқи савдо балансининг ижобий сальдосини (1 миллиард доллардан зиёд) таъминлади.

Худудлар саноат салоҳиятини оширишга доир комплекс дастурларни амалга ошириш билан бир қаторда, саноат ишлаб чиқаришини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ва турларини кенгайтириш чора-тадбирлари саноатнинг 9,4 фоизга ўсишига хизмат қилди.

Қишлоқ ҳўжалигининг моддий-техника базаси ва инфратузилмасини мустаҳкамлаш, интенсив агротехнологияларни жорий этиш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган қувватларни кенгайтириш қишлоқ ҳўжалиги ялпи маҳсулотининг 6,8 фоизга кўпайишини таъминлаш имконини берди.

Муҳим ишлаб чиқариш ва инфратузилма лойиҳаларини ҳаётга татиқ этишни тезлаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳажмини кенгайтиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши капитал қўйилмалар юқори ўсиш суръатини 12,5 ва курилиш ишларини 19,2 фоизга оширишни таъминлади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, истеъмол талабини рағбатлантириш, иқтисодиёт таркибини диверсификация қилиш ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштиришга доир дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши аҳоли жами реал даромадининг 15,9 фоизга барқарор ўсишида ўз ифодасини топди. Бу эса, ўз навбатида, чакана савдо айланмасини 14,7 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмини 13 фоизга ва аҳолининг тижорат банклар депозитларидаги омонатларини 1,3 бараварга ошириш имконини берди.

2013 йилнинг тўққиз ойида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари
(2012 йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	108,1
Саноат маҳсулотлари	109,4
Истеъмол товарлари	115,9
Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари	106,8
Курилиш ишлари ҳажми	119,2
Чакана савдо айланмаси	114,7
Пуллик хизматлар	113,0
Жами хизматлар	112,4

II. Ишлаб чиқаришларни диверсификация қилиш, иқтисодиёт ва унинг тармоқларини техник ва технология янгиллаш, модернизациялашни жадаллаштириш ҳамда унинг қўламини кенгайтириш

Саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технология янгиллаш ҳамда диверсификация қилиш қўламини кенгайтириш, истеъмол товарлари, маҳаллийлаштирилаётган ва экспорт маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсишини рағбатлантириш, корхоналар молиявий барқарорлигини ошириш ҳамда рақобат муҳитини шакллантиришга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилиши саноат тармоқларида таркибий туб ўзгаришларни янада чуқурлаштириш имконини берди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Чирчиқ шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгазининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Тошкент вилоят комиссияси томонидан семинар-йиғилиш ўтказилди.

• Ўзбекистон Бадий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кўргазмалар саройида «Обод турмуш йили»га бағишлаб ташкил этилган «Менинг ўлкам – менинг фахрим» танлови қатнашчиларининг кўргазмаси ва танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

• Фарғона шаҳрида «Фарсамина нафосат» хусусий корхонаси иш бошлади. Замонавий технологиялар асосида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада 30 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

• Андижонда «Атроф-муҳит ва инсон саломатлигини муҳофаза қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи, Ўзбекистон Экологик ҳаракати Андижон вилояти ҳудудий бўлинимаси ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлими вакиллари иштирок этди.

• Фарғона шаҳрида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш – тараққиёт омили» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги ва ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда корхоналар раҳбарлари, тадбиркорлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• 2013 йилнинг июль-сентябрь ойларида Буюк Британияда ялпи ички маҳсулот ҳажми иккинчи чорақдагига нисбатан 0,8 фоизга ўсди. Бунга курилиш, хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ижобий кўрсаткичлар орқали эришилгани айтилмоқда.

• Шу йилнинг апрель ойида Бангладешдаги тикувчилик фабрикасида юз берган ҳалокат оқибатида яқинларидан айрилган 550 та оилага Ирландиянинг кийим-кечаклар савдоси билан шуғулланувчи «Primark» дўконлар тармоғи тоvon пули тўлайди. Маълумки, ўша фожидада жами 1200 киши қурбон бўлган эди. Уларнинг 550 нафари фалокат кузатилган мажмуа таркибидеги «Primark»га тегишли бўлимда ишлаган. Ирландия компанияси фақат ана шуларнинг оиласига маблағ ажратишни назарда тутмоқда.

• Швециянинг бир йўла иккита йирик концерни — «Volvo» ҳамда «Electrolux» молиявий қийинчиликлар туфайли яқин вақт ичида иш ўринлари сонини қисқартиришини билдирди. Жумладан, ўтган чорақда даромади 28 фоиз пасайиб кетган «Volvo» юк автомобиллари ишлаб чиқариш тармоғида фаолият юритаётган икки минг нафар ходими билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилмоқчи. Шу орқали компания харажатларини йилга 480 миллион еврога камайтиришга эришиш ниятида. Маиший техника воситалари ишлаб чиқарувчи «Electrolux»да ҳам шунга ўхшаш ҳолат. Яъни учинчи чорақда мазкур компанияда маблағ тушуми 24 фоиз қисқарди.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Венгрия Республикаси Миллий мажлиси раиси Ласло Кёвер раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида учрашувлар ўтказди.

ВЕНГРИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ УЧРАШУВЛАРИ

Мулоқотлар чоғида Ўзбекистон ва Венгрия ўртасида ҳамкорлик барча йўналишлар, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланаётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида сўзлаб берилди. Президентимиз Ислам Каримов томонидан баён этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қонунчилик тизимини такомил-

лаштириш, замон талаблари ва демократия тамойилларига мос янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда муҳим дастуруламал бўлаётгани қайд этилди.

Учрашувда икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Делегация аъзолари мамлакатимизнинг бошқа бир қатор вазирлик ва идораларида ҳам музокаралар ўтказди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** пойтахтимизда «Тадбиркорлик ва бизнесни ривож-

лантириш истиқболлари» мавзусида семинар ўтказилди.

✓ **БУГУН** ИИБ маданият саройида «Инсон ҳуқуқлари ҳимояси – ички ишлар орган-

лари фаолиятининг муҳим йўналиши: миллий ва халқаро тажриба» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжумани «Ўзбекистон эндокринологияси: кеча, бугун ва эртага» мавзусига бағишланди.



КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидлаш жоизки ярмарка давомида ўзбекистоннинг йирик саноат корхоналарига, шунингдек кичик бизнес ва хусусий корхоналарга ўзларининг саноат потенциалини кенг доирадаги қатнашчилар эътиборига намоиш этиш учун қўлай имкониятлар яратилади. Шу билан бирга ҳўжалик субъектлари ўзларининг техник ва технологик имкониятларини янада кенгроқ намоиш этиш мақсадида махсус тақдимотлар ўтказиш имконига ҳам эга бўлади.

Мазкур нуфузли тадбир таъриба алмашиш, музокара ва амалий ҳаракатлар майдонига айланганидан ташқари, саноатчиларни яна бир бор жамлаб, уларга истиқболли режаларини амалга оширишлари учун ўзига хос замин вазифасини ўтамоқда.

Эслатиб ўтамиз Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси 2 ноябрга қадар ўз ишини давом эттиради. Форумнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ғ.Ибрагимов ва У.Розуқов иштирок этди.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислом Исмоилов олган суратлар

Давлат ва жамият қурилиши соҳасида замонавий ахборот – коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни таъминлаш мақсадида давлат солиқ органларининг www.soliq.uz сайтида солиқ тўловчилар учун бир қанча интерактив хизматлар жорий этилган.

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

Мазкур интерактив хизматлар жумласига, солиқ органлари ҳақида, фуқароларнинг муносабатлари, юридик шахсларнинг бюджет билан ҳисоб-китоблари, текшириш режа-жадвали, солиқ тўловчиларни рўйхатдан ўтказиш, норматив ҳужжатлар, электрон солиқ ҳисоб-китоблари, электрон солиқ декларациялари, жисмоний шахсларнинг бюджет билан ҳисоб-китоблари, солиқ текшируви натижалари, квитанция шакллантириш, қўшилган қиймат солиғи тўловчилари, солиқ тўловчи идентификацион рақамини аниқлаш, СМС-тўлов, тўлов топшириқномасини шакллантириш, электрон калыкулятор, қўп учрайдиган саволлар, солиқ низоларини қўриб чиқиш, солиқ органларининг расмий тушунтиришлари, контрагент ҳақидаги маълумот, жисмоний шахслар солиқлари бўйича маслаҳатчи, сўровнома, солиқ қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида электрон ариза орқали маълумотномалар бериш, имтиёзлар маълумотномаси, банк ревитизияларини солиштириш, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг электрон ҳисоб-китоблари, назорат қилувчи органларга текширишлар режа-жадвалидан қўчирма бериш, давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахслари қабулига ёзилиш, солиқ тўловчиларнинг СМС-сўровига қўра ахборотлар тақдим этиш каби хизматлар кирди.

Жумладан, электрон рақамли имзога эга бўлган фойдаланувчиларга «Шахсий кабинет» орқали бюджет билан ҳисоб-

китобларини кузатиш имконияти яратилган. «Юридик шахсларнинг бюджет билан ҳисоб-китоблари» интерактив хизмати ёрдамида, белгилан берилган даврда шакллантирилган солиштириш долатномалари, шунингдек мазкур юридик шахс учун исталган ҳисобот даврига солиқ ва тўловлар бўйича шахсий ҳисоб-варақ картончаларидан нусха қўрилишида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрисида маълумот тақдим этилиши имкониятлари мавжуд. «Текшириш режа-жадвали» хизматида эса, юридик шахс учун сўров бўйича назорат қилувчи органлари томонидан ҳўжалик юритувчи субъектлар текшируви режа-жадвалидан тегишли давр учун қўчирма тақдим этилади. Ушбу қўчирмада белгилан берилган даврда текширувлар режа-жадвалида ташкилотнинг мавжудлиги (ёки мавжуд эмаслиги), текшируви ўтказиш муддатлари ҳақида текширувда иштирок этган назорат қилувчи органлар рўйхати ҳақида маълумот берилади.

Булардан ташқари молиявий ва солиқ ҳисоботларни электрон қўрилишида қабул қилиш ва қайта ишлаш тизими, «Электрон солиқ ҳисоботлари» хизмати орқали ҳисоботлар бевосита шакллантирилади ва давлат солиқ органларига электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон ҳўжат қўрилишида тақдим этилади. Булар ўз навбатида солиқ тўловчиларнинг иш вақтини тежаш, қороз қўрилишидаги ҳўжат айланишининг ка-

майиши ҳисобига харажатларини қисқартиришга ижобий таъсирини кўрсатади ҳамда ахборотларни қайта ишлаш жараёнини тезлаштиради.

Шунингдек, «Жисмоний шахсларнинг бюджет билан ҳисоб-китоблари» интерактив хизмати ёрдамида жисмоний шахсларнинг «Шахсий кабинети»да мол-мулк, ер солиғи, хўсуий тадбиркорларнинг солиқлари бўйича берилган санага шакллантирилган шахсий картончаларнинг нусхалари қўрилишида ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрисида шахсий маълумот тақдим этилади. Электрон рақамли имзо мавжуд бўлган тақдирда, солиқлар ва тўловлар бўйича солиштириш долатномаларини автоматик тарзда шакллантириш амалга оширилади. «Фуқароларнинг муносабатлари» хизмати жисмоний ва юридик шахсларни давлат солиқ хизмати органларига муносабатларини жўнатиш учун мўлжалланган. Хат ёзиш ва жўнатиш учун электрон рақамли имзога эга бўлиш керак. Мазкур хизмат ёрдамида юборилган муносабат солиқ органлари томонидан расмий деб қабул қилинади ва белгиланган тартибда қўриб чиқилади.

Шулар билан бир қаторда «Норматив ҳўжатлар» интерактив хизмати орқали солиққа тортиш бўйича норматив-ҳўқуқий ҳўжатлар, солиққа тортиш масалаларига тааллуқли Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган маъмурий ҳўжатлар, солиқ органлари томонидан бошқа вазирликлар билан бирга ишлаб чиқилган маъмурий ҳўжатлар, солиққа тортиш бўйича бошқа норматив-ҳўқуқий ҳўжатлар тўғрисида оммабоп маълумотлар тақдим этилади.

Иззат ТАНГРИЕВ,
Учтепа туман ДСИ
бўлим бошлиғи

Ҳуқуқ, бурч ва масъулият

БАРЧА КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР, УЙ-ЖОЙ, МУЛК ВА ИЖАРА ТЎҒРИСИДА

Ичимлик суви таъминоти коммунал тизимидаги сифатли ичимлик суви аҳолининг ҳўжалик-ичимлик суви, коммунал-маиший эҳтиёжларини қондиришга, ёнгинларни ўчириш ҳамда саноат корхоналарининг технологик жараёнларини таъминлаш учун белгиланган. Сифатли ичимлик суви талаб этилмайдиган технологик жараёнларда ичимлик сувидан фойдаланиш учун ичимлик суви ва канализация ҳўжалиги ташкилотларининг махсус рухсатномаси билан, истисно тариқасида, рухсат этилади.

Коммунал канализация тизими маиший оқава сувларни шаҳар чеккасига чиқариш ва қабул қилиб олишга мўлжалланган. Ишлаб чиқариш оқава сувларини коммунал канализацияга қабул қилиб олиш учун ичимлик суви ва канализация ҳўжалиги ташкилотларининг махсус рухсатномаси расмийлаштирилади. Бунда, абонентлар, аҳоли пунктларидаги канализация тизимида ишлаб чиқариш оқава сувларини қабул қилиб олиш Қондалари талабларига тўлиқ амал қилишлари лозим.

Абонентларни ичимлик суви билан таъминлаш, оқава сувларни қабул қилиб олиш учун ичимлик суви ва канализация ҳўжалиги ташкилотлари билан абонент ўртасида шартнома тузилиши ёки абонент мажбуриятлари кўрсатилган ариза-мажбурият бўлиши лозим.

Ичимлик суви ва канализация ҳўжалиги ташкилоти билан саноат, қурилиш, транспорт корхоналари, қозонхоналар ўртасида тузилган **шартномага**, қайси идорага тегишли бўлишидан қатъи назар, ташкилот томонидан ишлатиладиган сув сифати ва меъёрини, чиқариб ташланувчи оқава сув ҳажми ва таркибини аниқлаб берувчи ичимлик суви ҳўжалигига оид баланс ҳисоботи, ичимлик суви таъминоти ва оқава сув чиқарилишининг структуралли тархи(схемаси) илова қилинади. Абонент билан ичимлик сувини етказиб бериш юзасидан шартнома тузилганда, мажбурий тартибда, оқава сувини қабул қилишга доир шартнома ҳам имзоланади.

Ичимлик суви таъминоти ва канализация коммунал тизимида **янги объектларнинг улашиши** ёки ичимлик суви истеъмолчининг қўлайлиши, оқава сув ҳажмининг ортиши ҳолларида, абонент (буортмачи) ўзи улашган ичимлик суви ёки канализация тармоғи қайси идорага тегишли бўлишидан қатъи назар, ичимлик суви таъминоти ва канализация ҳўжалиги корхонасидан улашишга рухсатнома ва техник шартларни олиши шарт.

Абонент(буортмачи) техник шартларни олиш учун сўровнома билан бирга вазият ва объект чегаралари батафсил кўрсатилган жой бош режаси(генплани)дан ҳамда ер ости коммуникацияларининг 1:2000 масштабдаги кўчирмасидан 3 нусхадан тақдим этиши лозим. Шунингдек, ичимлик суви бўйича:

а) сувга, ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи, ҳўжалик-ичишга ва ишлаб чиқаришга керакли бўлган сув(шу жумладан, ичимлик сувига бўлган эҳтиёжлари) тақсимлаб бериш кўрсатилган сутка, соат, секундлик сарф-харажатлари меъёри ҳисоб-китоби;

б) ичимлик суви улашиши жойидаги эркин босим ҳажми ҳисоби;

в) ичимлик сувидан фойдаланишни бошлайдиган муддат;

Канализация бўйича:

а) оқава сувларининг, шу жумладан, ҳўжалик фекаль, ишлаб чиқариш оқава сувларининг тақсимлаб кўрсатилган сутка, соат, секундлик сарф-харажатлари меъёри ҳисоб-китоби;

б) ишлаб чиқариш оқава сувларининг сифати таркиби, ундаги мавжуд бирикма ва эритмалар, уларнинг концентрацияси ва ҳажми, шунингдек, кислота, ишқор, бўёвчи, портловчи, ёнувчи, захарли модда ва оғир металллар, оқава сувларининг радиоактив моддалар билан зарарланганлиги, ҳарорати ва РНга оид маълумотлар;

в) ишлаб чиқариш ариқларини локал тозалаш ва унинг тозаланиш даражаси лойиҳалаштирилганлиги;

г) оқава сувлар чиқара бошланиши муддатлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши лозим.

Техник шартлар берилганига қадар, ичимлик суви ва канализация ҳўжалиги корхонаси, ушбу корхонадан чиқаётган оқава сувлардан намуна (проба) олиш ва таҳлил ўтказиш ҳўқуқига эгадир.

Ичимлик суви ва канализация ҳўжалиги корхонасидан улашишга олинган **техник шартлар асосида** лойиҳа ташкилоти тегишли ҳўжат ва қурилиш меъёри асосида лойиҳа тайёрлайди. Ичимлик суви ва канализация ҳўжалиги корхонаси томонидан берилган техник шартларни бажариш абонент (буортмачи) учун ҳам, лойиҳа ташкилотлари учун ҳам мажбурий ҳисобланади.

Қурилиш «ичимлик суви» ва «канализация» тизимлари, иншоотларини амалдаги ичимлик суви ва канализация коммунал тизимларига **улашни** буортмачи(қурувчи) ичимлик суви ва канализация ҳўжалиги

13. ТОШКЕНТ ШАҲАР «СУВСОЗ» КОРХОНАСИ ТОМОНИДАН АҲОЛИГА ПУЛЛИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ

Сув — одам турмуш ҳаётининг муҳим манбаларидан биридир ва бизнинг вазифамиз унга тежамкорлик ва онгли равишда ёндошишдан иборат. Инсоният билиши ва ёдида сақлаши керакки, табиатнинг бу мўъжизаси — сувсиз бизнинг коинотимиз Ерда биронта тирик мавжудот ва ўсимлик яшай олмайди. Сув манбаларини ифлослантириб ва уни заруриятсиз истеъмол қилиб, биз келажақ авлодга сувдан яхши мақсадлар ва эҳтиёжлар учун фойдаланиш борасида имконият қолдирмаймиз.

корхонасининг бевосита назорати остида амалга оширади.

Фуқароларга хўсуий мулк сифатида тегишли бўлган ичимлик суви «ввод»ларига **улашиш ва тозалаш**, канализация чиқиш жойларини улаш, уй эгаларининг шахсий ҳисобидан, ичимлик суви ва канализация ҳўжалиги корхонаси томонидан амалга оширилади.

Ичимлик суви ва канализация ҳўжалиги корхонасидан қабул қилинганлиги ҳақидаги долатноматом (акт) ва улашиш эксплуатацияга туширилганлиги тўғрисидаги маълумотноматом олингандан кейин, барча камчиликлар бартараф этилган, **сув узатилади ва оқава сув қабул қилинади**. Буортмачи(қурувчи) ичимлик суви ва канализация коммунал тизимида улашиш учун ичимлик суви ва канализация ҳўжалиги корхонасига ариза топширади.

Қурилган янги тизимларни эксплуатацияга тушириш ичимлик суви ва канализация ҳўжалиги корхонаси томонидан, абонент ва қурувчи ташкилот вакиллари иштирокида, буортмачи абонентлар ҳисобига қўшилганидан, шартнома ёки ариза-мажбурият тузилганидан кейин амалга оширилади.

Амалдаги ичимлик суви ва канализация коммунал тизимларига янги ёки қайтадан уланган **абонентлар**

Изоҳ: сув таъминоти тизимида хизмат кўрсатиш масалалари бўйича қуйидаги давлат органларига мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент шаҳар ҳўқимлиги
Тошкент шаҳар прокуратураси
ХУЖМ ширкатлари Ассоциацияси
Тошкент шаҳар «Сувсоз» корхонаси

т: 239-05-52.
т: 1007, 271-12-26.
т: 250-03-85, 250-15-54.
т: 054, 252-19-55.

Азамат ҲАЛИМОВ,
Тошкент шаҳар прокуратурининг катта ёрдамчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги қуйидаги
нотариус лавозимларига**

ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳри

Юнусобод туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳўжатлар тақдим этилиши лозим:

1.Комиссия номига ариза.
2.Паспорт нусхаси.
3.Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа.

4.Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси.

5.Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан қўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан қўчирма).

6.Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

(Ҳўжатларни тақдим этишнинг охириги санаси 2013 йил 21 ноябрь)

Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.

Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

**Саноат корхонаси
ишлаб чиқариш
жараёнида таърибаси
бўлган**

**— 4-6 тоифали электр
монтажчилар;
— 4-6 тоифали
электрикларни доимий
ишга қабул қилади.**

**Иш ҳақи 2 миллион сўм
ва ундан юқори.**

**Корхона ишчиларни хизмат
транспорти, бенул овқат
билан таъминлайди. Иш ҳақи
ўз вақтида тўланади.**

(90)352-36-05

(90)982-56-44

Мулоқот учун телефонлар: (93)172-44-07

(90)167-17-58

«JCD Trans Reklama» МЧЖ ҚҚнинг қайта тузилиши ва унинг таъсисчилари таркибидан «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси, «Тошкент метрополитени» ДУК ва «Йўловчипассажир» ЯХТМнинг алоҳида янги жамият бўлиб чиқиши муносабати билан ўз низоом жамғармасини 743905000 сўмдан 371952500 сўмга камайишини маълум қилади (МЧЖ ҚҚ таъсисчиларининг 29.10.2013 йил 7-баённомаси асосида). Мурожаатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой ичида 233-11-29 телефон рақами ёки Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси 93 а манзили бўйича қабул қилинади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАНКЕНТ» Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95, Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Спорт янгиликлари

ЎСМИРЛАРИМИЗ — НИМЧОРАК
ФИНАЛДА

Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича 17 ёшли ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган Жаҳон чемпионати гуруҳларида уюштирилган учинчи тур баҳсларидан сўнг нимчорак финалда ўйнайдиган терма жамоалар номи деярли аниқ бўлди.

Кувонарлиси, жаҳон чемпионатининг «С» гуруҳида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Дилшод Нуралиев бош мураббийлигидаги ўсмирлар терма жамоамиз нимчорак финалга йўлланма олди. Гуруҳнинг иккинчи турида марокашлик тенгқурлари билан 0:0 ҳисобида дуранг ўйнаб 4 очкога эга бўлган ҳамюртларимиз хорватияликлар билан кечган учрашувда 2:1 ҳисобида зафар қўчишди ва очколари сонини 7 тага етказиб гуруҳда иккинчи ўринни эгаллашди. Энди ҳамюртларимиз нимчорак финалда Гондурас терма жамоаси билан куч сынашилади.

Хорватияликлар билан кечган баҳсда Дилшод Нуралиев шогирдлари сермазмун ўйин намойиш этишди, ҳимояни унутмаган ҳолда европаликлар дарвозаси томон ҳавфли ҳужумлар уюштиришди. Натижада 14-дақиқада рақиб дарвозасига гол киритилди. Стандарт вазиятдан ўзбекистонлик футболчининг дарвозага йўллаган зарбасини хорвати-

ялик ёш чарм тўп устаси ўз дарвозасига киритиб қўйди. Шундан сўнг энди европаликлар Сарвар Каримов дарвозаси томон ҳужумлар уюштиришди. 28-дақиқада келиб Халилович ҳимоячиларимиз хатосидан унумли фойдалана олди. 1:1.

Аммо, иккинчи бўлимда ҳамюртларимиз ташаббусга эга бўлишди ва учрашув якунланишига 11 дақиқа қолганида Жамшид Болтабоев узок масофадан рақиб дарвозасини нишонга ола билди. 2:1. Ўшбу ҳисоб ўйин охирига қадар ўзгармади.

Энди эътиборингизга жаҳон чемпионати гуруҳларида ўтказилган учинчи тур натижаларини ҳавола этамиз: Италия — Уругвай — 1:2, Янги Зеландия — Кот Д'Ивуар — 0:3, Бразилия — Гондурас — 3:0, Словакия — БАА — 2:0, Россия — Венесуэла — 4:0, Япония — Тунис — 2:1, Панама — Марокко — 2:4.

Жаҳон чемпионатининг нимчорак финал беллашувларида ҳамюртларимизга омад тилаймиз.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ҒОЛИБ

Кувонарлиси шундаки, эркаклар баҳсларида ҳам, аёллар беллашувларида ҳам шохсупанинг энг юқори поғонаси ҳамшаҳарларимизга насиб этди.

Аёллар ўртасида биринчи ўрин Республика олимпия заҳиралари коллежи ҳамрасига насиб этган бўлса, фахрли иккинчи, учинчи ўринларни Самарқанд вилояти ҳамда Халқ таълими вазирлиги жамоалари эгаллашди.

Пойтахтимизда сув полеси бўйича уюштирилган Ўзбекистон Кубоги баҳсларида 6 та эркаклар ва 8 та аёллар жамоалари ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Эркаклар баҳсларида пойтахтимиз жамоаси — МХСК га тенг келадиган рақиб жамоа топилмади. Фахрли иккинчи ўрин пойтахт вилояти жамоасига насиб этган бўлса, мусобақанинг учинчи ўрни-

га Халқ таълими вазирлиги жамоаси лойиқ деб топилди.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндор бўлган жамоаларга совринлар тўхфа этилди. **Ақбар ЙЎЛДОШЕВ**



Мухаммад Амин (ЎЗА) олган сурат

Словениянинг Любляна шаҳрида дзюдо бўйича 21 ёшгача йигит-қизлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда. Дунёнинг етмиш беш давлатидан ташриф буюрган олти юз нафардан зиёд дзюдочилар жами 16 та медаллар шодаси учун ўзаро кураш олиб бормоқда.

ДИЁРБЕК ЎРОЗБОВЕВ КУМУШ
МЕДАЛЬ СОВРИНДОРИ

Ушбу бўлиб ўтаётган дунё биринчилигида мамлакатимиз шарафини 11 нафар спортчи ҳимоя қилмоқда.

Истеъдодли полвонимиз Диёрбек Ўрозбоев 60 килограмм вази тоифасида гиламга тушди. Мусобақа давомида мўълисонлик Ганболд Мунхтур, эквадорлик Карлос Мату-

те, япониялик Юма Ошима ва туркиялик Шахин Аҳмад Кабани мағлубиятга учратиш, финалда, Жанубий корейлик Баул Анга кичик ҳисобда ютказган ҳамюртларимиз жаҳон чемпионатининг кумуш медалини қўлга киритиб, терма жамоамиз ҳисобига илк медални тақдим этди. **Жавоҳир ТОШХУҲАЕВ**

Шунингдек, уста Мирзабахром ота билан биргаликда унинг 11 ёшли набираси Ақбар Мирзабахромовнинг ҳам кулолчилик намуналари кўргазмадан муносиб жой эгаллади.

Экспозициядан кулолчилик буюмларининг лаган, тоғора, сут-товок, ёғ-қўза, шокоса, нимкоса, ликопча, қопқоқли коса, мевадон, тақсимча, сув-қўза каби бир қанча турлари акс этди.

Мазкур аjoyиб кўргазманинг мақсади ҳам ёш авлодга қадимий кулолчилик намуналари орқали миллий руҳни сингдириш, аънавий мерос қадри, кўргазма санъат ихлосмандларини, мутахассисларни жалб этибгина қолмай, чет эллик сайёҳлар ва мактаб ёшларидаги болаларни ҳам юллик даражада қизиқишига сабабчи бўлди.

Зиёда МИРЗАЖОНОВА,
Миллий рассомчилик ва дизайн институти санъатшунослик факультети 2-босқич талабаси

Санъат — ўтмиш кўзгуси ва келажак кўпригидир. Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Давлат Амалий санъат музейида таниқли кулоллар шаҳаравий авлоди вақили уста Мирзабахром ота Абдуваҳобовнинг миллий кулолчилик намуналарини акс эттирган бadiий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Маълумки, кулолчилик Ўзбекистоннинг қадимий ва амалий санъат турларидан биридир. Ушбу амалий санъат тури неолит давридан бери пайдо бўлиб, сопол буюмлар минг йиллик тарихга эгалиги билан ақрабли туради. Геометрик нақшлар кетма-кетлиги, услуби ва аънавий ранг жиҳатларига эга бўлган миллий буюмлар кўргазмаси кўпчиликни тарих силсиласининг олис ўтмишига чорлаб, дилларга қувонч бағишлади.

Кулолчилик авлоддан-авлодга ўтувчи аънавий амалий санъат тури бўлиб, бу хунар асрлар оша ҳалқимизнинг маданий бойликларини акс эттиради.

ҚУЁШЛИ СОПОЛ ЖИЛОСИ

Ўтмиш кулолчилигининг бир неча фарқи қирралари бўлиб, улар йиллар давомида ривож топиб, ёрқин рангларнинг бетақдор уйғунлигида тасвирланган нозик нақш беағи юртимиз кулолчилигини Ўрта Осиёга танитган.

Кўргазма экспозициясида уста Мирзабахром отанинг янги кулолчилик ишлари ва шахсий коллекциялардаги ноёб асарлар тўплами намойиш этилди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС,
КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимларига танлов эълон қилади:

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
	Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимларига	
1	Тошкент Автомобиль ва йўллар институти қошидаги Учтепа академик лицейи	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани Чилонзор 31-мавзе

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарининг малака талаблари академик лицей, касб-хунар коллежининг таълим йўналишларидан камид биттаси бўйича ёки умумтаълим фанлар бўйича олий маълумот (маданият, спорт ҳамда тиббиёт соҳаси бундан мустасно) таълим тизимидаги (педагогик, ўқув тарбияни ўқув услубий бошқарув фаолияти) иш стажини 5 йилдан кам эмас.

Маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосарининг малака талаблари ижтимоий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув тарбияни ўқув услубий бошқарув фаолияти) иш стажини 5 йилдан кам эмас.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Сўровнома (справка-объективка).
 2. Таржimai ҳол.
 3. Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусхаси.
 4. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари.
 5. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).
 6. 3x4 ўлчамли 6 донга фотосурат.
 7. Паспорт (нусхаси).
 8. Тавсифнома.
 9. Меҳнат дафтарчасидан нусха.
- Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.
- Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайлида қабул қилинади.
- Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.**

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога Олмазор туман СИБ томонидан: I. Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 16.12.2011 йилдаги 1109/18375-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, «Қорақамиш 1/2 даҳаси ҳудудидagi савдо марказида жойлашган «Тehnотрастлс» МЧЖга тегишли «Е», «Н», «М», «О», «П» блоклардан иборат умумий майдони 1849 кв.м. бўлган савдо маркази қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 1 876 800 750 сўм.

Савдо 2013 йил 2 декабрь кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2013 йил 29 ноябрь кuni соат 18:00.

II. Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 21.07.2011 йилдаги 10-1117/7803-сонли, 09.03.2011 йилдаги 10-1008/21203-сонли, 16.05.2011 йилдаги 10-1114/4969-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254-ўйда жойлашган ер участкасининг умумий майдони 481 кв.м., бино иншоотининг умумий майдони 979 кв.м., фойдаланиш майдони 832,15 кв.м. бўлган ертўлали, икки қаватдан иборат ертўлали маъмурий бино тақдоран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 723 265 147,25 сўм.

Савдо 2013 йил 15 ноябрь кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2013 йил 13 ноябрь кuni соат 18:00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилиги бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини, тўлов ҳужжатларида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ko'snmas Mulk Savdo Xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 х/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001

қилишнинг охириги мuddати: 2013 йил 29 ноябрь кuni соат 18:00.

Савдо ғолибига 10 иш кuni ичида сотувчи билан олди-сотиш шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 х/рга тўлашлари шарт: Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.mtm.uz. Гувохнома №006231.

Коммунал хизмати тўловларини ўз вақтида тўлайлик!

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчамизга яхши маълумки, ҳар биримиз истеъмолчи сифатида табиатнинг бебаҳо неъматлари — сув, табиий газ, электр энергияси сингари ресурслардан фойдаланамиз. Турмушимизга чуқур сингиб кетган ва фаровонлигимизни таъминлашда муҳим омили бўлган мазкур неъматлар соҳа ходимларининг заҳмлати меҳнатлари ва катта маблағлар эвазига отқазиб берилади.

Шу боис ҳам уларнинг қадрига етиш, исрофгарчилигига йўл қўймаслик, тежамкорлик билан оқилона фойдаланиш, шунинг баробарида «Ҳисобли дўст айрилмас» нақлига амал қилган ҳолда фойдаланилган иссиқ ва совуқ сув, иссиқлик қуввати, табиий газ, электр энергияси ҳамда кўп қаватли уйлarda фойдаланиш харажатлари тўловларини ўз вақтида амалга ошириш ҳар бир истеъмолчининг бурчидир.

Зеро, тежамкорлик — катта бойлик, демакдир. Юқоридagi неъматлардан керагича — омикорлик билан фойдаланиш қоидаларига тўла амал қилган ҳолда сарфласак, қондабузарлик ва ўзбошимчилик билан ула-нишларга йўл қўймасак хизмат сифатига ва самарадорлигига ҳисса қўшган бўламиз, тўловларимиз эса эртага ўзимизга намунали хизмат сифатида қайтади.

Шу ўринда, сиз қадри истеъмолчиларга шунинг эсла-тиб қўймоқчимизки, мазкур коммунал хизматлар юзаси-дан бирорта муаммо туғилса, носозлик ва авария ҳолат-лари рўй берган тақдирда қуйидаги телефонлар орқали соҳа ходимларига мурожаат қилишингиз мумкин.

● Коммунал хўжалиги бўйича туну кун фао-лият кўрсатувчи диспетчерлик хизмати — 1055

«ТОШГАЗ» БОШҚАРМАСИ
ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Марказий авария-диспетчерлик хизмати — 255-44-27
Учтепа — 274-44-34
Бектемир — 295-14-43
Миробод — 254-15-61
Мирзо Улуғбек — 267-19-47
Олмазор — 248-35-48
Сергели — 258-84-33
Ҳамза — 296-39-61
Чилонзор — 278-09-99
Шайхонтоҳур — 242-39-26
Юнусобод — 212-25-52
Яққасарой — 255-49-59

ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ
ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Марказий диспетчерлик хизмати — 233-77-53, 233-78-46
Учтепа — 274-14-81
Бектемир — 295-10-66
Миробод — 291-15-92
Мирзо Улуғбек — 267-58-15
Сергели — 258-38-60
Олмазор — 242-46-95
Шайхонтоҳур — 278-87-11
Ҳамза — 291-87-83
Чилонзор — 271-13-63
Юнусобод — 225-00-65
Яққасарой — 250-19-67

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога тақдоран «UZVNESHTRANS» ҚК МЧЖ иштирокчи-ларининг 04.09.2013 йилдаги йиғилиш қарорига ва «UZVNESHTRANS» ҚК МЧЖнинг 24.10.2013 йилдаги Ф3-31/66-6693-сонли буюртмаомасига асосан қоржонга тегишли, Тош-кент шаҳри М.Улуғбек тумани, Феруза-2 массиви манзилда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «Mercedes Benz-1935S» русумли д/р 01/348QAA бўлган, 1994 йил и/ч (сидельный тягач) ва унинг «Fruehauf IF EPB SA313.7/T» русумли, д/р 01/0008AA бўлган, 1997 йил и/ч (тен-тли) ярим тиркамаси. Бошланғич баҳоси — 120 000 000 сўм.
2. «Mercedes Benz-1838LS» русумли д/р 01/351QAA бўлган, 1993 йил и/ч (сидельный тягач) ва унинг «Kogel SVKT24» русумли, д/р 01/0012AA бўлган, 1993 йил и/ч (рефрижератор) ярим тиркамаси. Бошланғич баҳоси — 130 000 000 сўм.
3. «Mercedes Benz-1838LS» русумли д/р 01/352QAA бўлган, 1993 йил и/ч (сидельный тягач) ва унинг «Kogel SVKT24» русумли, д/р 01/0010AA бўлган, 1993 йил и/ч (тенгли) ярим тиркамаси. Бошланғич баҳоси — 120 000 000 сўм.
4. «Mercedes Benz-1838LS» русумли д/р 01/350QAA бўлган, 1993 йил и/ч (сидельный тягач) ва унинг «Kogel SVKT24» русумли, д/р 01/0011AA бўлган, 1993 йил и/ч (рефрижератор) ярим тиркамаси. Бошланғич баҳоси — 130 000 000 сўм.
5. «Mercedes Benz-1838LS» русумли д/р 01/350QAA бўлган, 1993 йил и/ч (сидельный тягач) ва унинг «Fruehauf IF EPB SA313.7/T» русумли, д/р 01/0009AA бўлган, 1997 йил и/ч (тен-тли) ярим тиркамаси. Бошланғич баҳоси — 120 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 2 декабрь кuni соат 12:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунла-ри соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2013 йил 29 ноябрь кuni соат 18:00.

Савдо ғолибига 10 иш кuni ичида сотувчи билан олди-сотиш шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 х/рга тўлашлари шарт. Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.mtm.uz. Гувохнома №006231.



бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 31 октябрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити

Тошкент шаҳрида 31 октябр кuni ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёмғир ёғиш эҳтимоли бор. Ҳарба-ти шаҳар ҳаво муҳитида за-рарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имкони-ётми яратилди. Атмосферанинг флюсланиш даражаси 1-3 баллдан камроқ. Ҳарорат кечаси — 4-6, кун-қилинмоқда, тағмиқдори дузи — 11-13 даража илиқ наст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 1041

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95
факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, chorshanба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
8632 нусхада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамини» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ва сақлаланди.

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов

Босишга топширилди: 14.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ